

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



Тошкент кимё-технология институти
молия ва иқтисод ишлари бўйича
проректори, Харид комиссияси раиси


Б.Қодиров

2022 йил 22 июнь

**Тошкент кимё-технология институтида харид қилиш тартиб-
таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда муносиб
бўлган талабгорларни танлаш бўйича
харид комиссияси йиғилиши
БАЁНИ № 27**

Тошкент шаҳри

2022 йил 22 июнь

Раислик қилувчи:

- Тошкент кимё-технология институти молия
ва иқтисод ишлари бўйича проректори, Харид
комиссияси раиси **Б.Қодиров**

Қатнашувчилар:

- Тошкент кимё-технология институти Харид
комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй ва 36-уй манзилларида жойлашган Тошкент кимё-технология институти бинолари фасад қисмини жорий таъмирлаш бўйича энг яхши таклифни танлаб олиш ва шартнома расмийлаштириш тўғрисида.

2. Турли масалалар.

(Б.Қодиров, А.Сулейманов, Р.Усмонов ва бошқалар)

Кун тартибидаги масала юзасидан Тошкент кимё-технология институти молия ва иқтисод ишлари бўйича проректори Б.Қодиров сўзга чиқиб, Тошкент кимё-технология институти кенгашининг 2022 йил 30 майдаги 10-сонли баёни, Кузатув кенгашининг 2022 йил 4 июндаги 2-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй ва 36-уй манзилларида

жойлашган Тошкент кимё-технология институти бинолари фасад қисмини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича Республика товар-хон ашё биржаси Uzextender платформаси (etender.uzex.uz)да эълон қилинган танлов натижасига кўра “ILXOM OMAD SARI” МЧЖ томонидан тақдим қилинган таклиф барча талабларга жавоб берилганлиги ҳамда энг арзон нарх таклиф этилганлиги сабабли ушбу ташкилот ғолиб деб топилганлигини таъкидлаб ўтди.

Танлов натижаси эълон қилингандан сўнг бугунги кунга қадар қолган иштирокчилар ва бошқалардан таклиф ҳамда эътирозлар келиб тушмаганлиги баён қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан мажлис иштирокчиларининг фикр-мулоҳазалари тингланди ва муҳокама қилинди ҳамда овозга кўйилди. Розилар – 8 нафар, қаршилар – йўқ, бетарафлар – йўқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, йиғилиш **қарор қилади:**

1. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32 ва 36-уй манзилларида жойлашган Тошкент кимё-технология институти бинолари фасад қисмини жорий таъмирлаш бўйича эълон қилинган танлов натижаларига кўра “ILXOM OMAD SARI” МЧЖ энг яхши таклиф тақдим этган ташкилот сифатида танлов ғолиби деб топилганлиги, танлов натижаси эълон қилингандан сўнг бугунги кунга қадар қолган иштирокчилар ва бошқалардан таклиф ҳамда эътирозлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32 ва 36-уй манзилларида жойлашган Тошкент кимё-технология институти бинолари фасад қисмини жорий таъмирлаш бўйича “ILXOM OMAD SARI” МЧЖ билан ўрнатилган тартибда шартнома расмийлаштириш ҳамда ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатдан ўтказиш чоралари кўрилсин.

3. Мазкур баён ижросини назорат қилиш комиссия котиби Х.Ахмедов зиммасига юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

Бош ҳисобчи



Р.Усмонов

Юрисконсулт

Коррупцияга қарши курашиш ва
“комплаенс-назорат” тизимини
бошқариш бўлими бошлиғи

Бош аудитор

Бош муҳандис

Техник фойдаланиш ва
хўжалик бўлими бошлиғи

Бош бухгалтер ўринбосари

Ўқитишнинг техник воситалари
бўлими бошлиғи, комиссия котиби

Б.Раджабов

А.Турсунов

Х.Мавлянкулов

А.Сулейманов

Х.Каримов

А.Паттахов

Х.Ахмедов

Объектда жорий таъмирлаш ишларини бажариш ҳақида тузилган

1 -сонли

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

Тошкент шаҳри.

2022 йил "22" июнь

“ILXOM OMAD SARI” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилувчи, раҳбари **Р.Казаков**, устав асосида иш юритувчи бир томондан ва иккинчи томондан Тошкент кимё технология институти кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилувчи, ректор **Б.Усмонов**, устав асосида иш юритувчи, “Буюртмачи” харид комиссиясининг 101248-сонли лот бўйича 2022 йил 14 июндаги баёнига асосан Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси 32 ва 36 уй манзилида жойлашган Тошкент кимё-технология институтининг бинолари фасад қисмини (кейинчалик–объект) жорий таъмирлаш ишларини бажаришга доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича объектда тўла таъмирлаш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича объектда бажариладиган ишлар қиймати барча солиқлар (ҚҚС 15% билан), йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда амалдаги нархларда **431 624 330** (тўрт юз ўттиз бир миллион олти юз йигирма тўрт минг уч юз ўттиз) сўмни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- объектнинг (ундаги сунъий иншоотлар ва бошқалар) жорий таъмирлаш ишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

- ишлар ҳажми “Буюртмачи” томонидан ўзгартирилганда;

- объектнинг жорий таъмирлаш ишлари муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилиши мумкин.

2.3. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

III. “ПУДРАТЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартномада назарда тутилган ишларни бажариш учун:

жорий таъмирлаш ишлари бошланишдан олдин объектда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш даври учун, “Буюртмачи” иштирокида жорий таъмирлаш олиб борилаётган қисмни ва ундаги ўрнатилган тартибда далолатнома асосида қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари яқунлангандан сўнг топширади;

зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси хулосаси асосида амалга оширилиши мумкин;

лойиҳа-смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари “Пудратчи” томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва ҳаражатлар смета ҳужжатларида кўзда

тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни мазкур объектнинг айрим харажатлари бўйича қўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида “Буюртмачи”нинг рухсати билан йўналтириши мумкин;

объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва “Буюртмачи”га топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

шартнома шартларига асосан объектни “Буюртмачи”га тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

“Пудратчи” таъмирдаш давомида лойиҳа-смета ҳужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида “Буюртмачи”га хабар бериши шарт;

барча ишларни лойиҳа-смета ҳужжатлари ва мазкур шартномада белгиланган, ҳажм ва муддатда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажаради ҳамда ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

объектга зарур таъмирдаш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлашни амалга оширади;

зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриши мумкин;

таъмирлаш майдонида техника ҳавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ҳафта муддатда таъмирлаш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатади;

таъмирлаш майдони қўриқланишини таъминлайди;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади;

лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан муҳандислик коммуникацияларини қуриш, қўчириш (газ, алоқа, сув, канализация, электр ўтказиш тармоқлари ва ҳаказо) бўйича махсус ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб қилган ҳолда қурилиш-монтаж ишларини бажаришни ўз зиммасига олади.

3.2. “Пудратчи” мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ёки ўрнатилган тартибда “Ёрдамчи пудратчи” ёллаган ҳолда, зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун “Буюртмачи” олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойлarda бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

6.5. Объект “Буюртмачи”га топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи “Пудратчи”нинг зиммасида бўлади.

VII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

7.1. “Буюртмачи” объектда ўз вакилини - техник кузатувчини тайинлайди, у “Буюртмачи”нинг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

7.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

7.3. Техник кузатувчи “Пудратчи” томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш объектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

7.4. “Пудратчи” объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини бажариш ҳужжатларини, қилинган сарф-ҳаражатларни “Буюртмачи” томонидан мазкур объект учун бириктирилган техник кузатувчи билан мунтазам равишда объектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни “Буюртмачи”га топширади.

Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда шартнома амал қилиш муддатидан кечикмаган ҳолда бажарилган иш ҳажмлари тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

Ишларни бажариш жараёнида, ишлаш технологияси ва сифатини бузмаган ҳолда, ўз имкониятлардан келиб чиқиб ишлаш усули ва машина-механизмларнинг бир туридан бошқа ишлаб чиқариш қуввати билан механизмларга алмаштириш ва амалда бажарилган иш ҳажмлари баҳосини аниқлашда “Пудратчи” амалдаги нарх ва механизмлар бўйича лойиҳа смета ҳужжатларида ажратилган маблағдан чиқмаган ҳолда расмийлаштириш ҳуқуқига эга.

7.5. “Пудратчи” ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартномада кўрсатилган муддат билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.6. “Пудратчи” объектда ишларни олиб бориш тартибга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

7.7. Объектда умумий тартибни таъминлаш “Пудратчи”нинг вазифаси ҳисобланади.

7.8. “Пудратчи” геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, “Пудратчи” “Буюртмачи” билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

7.9. “Пудратчи” геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича “Буюртмачи”га беради.

7.10. Таъмирлаш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни “Пудратчи” амалга оширади.

IV. “БУЮРТМАЧИ”НИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартномани бажариш учун “Буюртмачи”:

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи”дан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

“Пудратчи”нинг барча муурожаатларини ўн беш кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

“Пудратчи”га шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан 30 % (ўттиз фоиз) миқдорда бўнак (аванс) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

Тўлиқ хизматлар (ишлар) бажарилгандан сўнг бажарилаган ишлар далолатномаси (ҳисоб фактура) асосида 10 банк иш кунида қолган 70% тўлов “Пудратчи” нинг махсус ҳисоб рақамига ўтказиб бериш;

Агар техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш туфайли бажарилиши керак бўладиган қўшимча ишлар қиймати жиҳатидан сметада кўрсатилган таъмирлаш умумий қийматининг ўн фоиздан ошиб кетмаса ва пудрат шартномасида назарда тутилган ишларнинг хусусиятини ўзгартирмаса, Буюртмачи техник ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Техник ҳужжатларга ўзгартиришлар ўн фоиздан каттароқ ҳажмда ўзгартиришлар киритиш тарафлар келишган қўшимча смета асосида амалга оширилади.

Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

V. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

5.1. “Пудратчи” мазкур шартнома кучга кирган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2. Мазкур шартнома бўйича жорий таъмирлаш ишларини бажариш муддати 20 кун этиб белгиланади.

5.3. “Пудратчи” ишни бажаришнинг бошланғич ва охири, шунингдек оралиқ муддатларини бузганлик учун жавобгар бўлади.

VI. ТЎЛОВ ВА ҲИСОБ КИТОБЛАР

6.1. Буюртмачи “Пудратчи”га шартномага асосан бунак (аванс) маблағи ўтказилади.

6.2. Мазкур пудрат шартномаси кучга кирган кундан “Пудратчи” томонидан ишларни бажариш жадвалига мувофиқ ўз имконияти ҳисобидан объектда жорий таъмирлаш ишларини бошлайди.

“Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан белгиланган муддатда бажарилган жорий таъмирлаш ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, шартнома тузилаётган объект учун маблағ таъминланиши билан молиялаштирилади.

6.3. Бажарилган жорий таъмирлаш ишлари белгиланган тартибда расмийлаштирилган “Маълумотнома-ҳисоб-фактура”га асосан молиялаштирилади. Бунда жорий молиялаштириш ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, бажарилган ишлар қийматининг 90 фоизигача жорий молиялаштирилиши амалга оширилади. Қолган 10 фоизи банк ўлчови ўтказилгандан кейин тўлаб берилади.

6.4. Объект ишчи комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилиб олинган кундан 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддати ўтгунга қадар “Пудратчи” бажарилган ишларнинг сифати учун жавоб беради.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

X. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

10.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган нормалар, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан далолатнома асосида қабул қилинади.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1. “Пудратчи”:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига, белгиланган нормалар ва қоидалар ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи”нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томондан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

7.11. “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

7.12. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин “Пудратчи” “Буюртмачи”ни ва ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда ваколатли идораларни ёзма равишда хабардор қилади.

7.13. Агар беркитиладиган ишлар “Буюртмачи”нинг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

“Пудратчи” “Буюртмачи”нинг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан четга чиқишларни “Буюртмачи”нинг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг таъмирлаш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

Объектни жорий таъмирлаш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда “Буюртмачи” томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун тегишли мутахассислар жалб этилиши мумкин.

Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини зарурат бўлганда ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш “Буюртмачи” ва “Пудратчи” томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишлар ва объектнинг тугалланган конструктив элементларини ойлик (оралиқ) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

7.14. Агар “Буюртмачи” “Пудратчи” ва (ёки) унинг “Ёрдамчи пудратчи”лари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда “Пудратчи” ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

7.15. “Пудратчи” таъмирлаш майдонини ва унга туташ ҳудуд ва йўл участкалари ҳамда йўлакларнинг озодалигини таъминлайди.

VIII. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

8.1. “Пудратчи” таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва жорий таъмири тугалланган объект “Буюртмачи” томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш (таъмирлаш) майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги форс-мажор ҳолатлари (фавқулотда вазиятлар, фавқулотда ҳолат, юқори турувчи давлат органларининг қарори ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

“Пудратчи”нинг мазкур шартномани бажариш учун бошқа шартлашуви шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, “Пудратчи”да зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги форс-мажор ҳолатларига кирмайди.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

9.2. Агар форс-мажор ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

X. ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

10.1. Жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек жорий таъмирлаш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш белгиланган нормалар, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

Жорий таъмирланган объект ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ташкилотнинг хабарномасидан кейин ишчи комиссия томонидан далолатнома асосида қабул қилинади.

XI. КАФОЛАТЛАР

11.1. “Пудратчи”:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа-смета ҳужжатларига, белгиланган нормалар ва қоидалар ҳамда техник шартларга мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

ўзи томонидан таъмирлаш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бартараф этишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

11.2. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар жорий таъмирлаш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

11.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли муддатида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар “Пудратчи” томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари “Пудратчи” ва “Буюртмачи”нинг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар “Пудратчи” бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, Ўзбекистон Республикаси томондан қабул қилинган қонун ва меъёрий ҳужжатларга асосан жавобгарликка тортиш тўғрисида урнатилган тартибда қонунни муҳофаза қилувчи муассасаларга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

11.4. “Пудратчи” нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш ваколат доирасидан келиб чиққан ҳолда ваколатли идора томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича иқтисодий судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

XII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

12.1. Мазкур шартнома “Буюртмачи” ва “Пудратчи”нинг ўзаро келишуви асосида бекор қилиниши мумкин, агарда келишув бўлмаса тегишли ҳудуддаги иқтисодий судда кўриб чиқилади.

XIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

13.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади;

ишларни олиб бораётган “Пудратчи” ташкилот қонунчиликка ва ушбу шартномага мувофиқ “Буюртмачи” олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

сифатсиз бажарилган таъмирлаш ишлари;

объектни ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалланмаганлиги;

“Пудратчи” муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйилган камчиликлар ва нуқсонларни бартараф этишни орқага суриш;

шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани;

“Пудратчи” ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниш ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида “Буюртмачи”, “Пудратчи”дан ўз ихтиёрига кўра қуйидагиларни талаб қилиш ҳуқуқига эга:

Агар “Пудратчи” ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, “Буюртмачи” ўз кучи билан “Пудратчи” ҳисобидан нуқсонларни бартараф этиш ҳамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳуқуқига эга.

13.2. Мазкур шартномага риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши “Буюртмачи”ни шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

13.3. “Пудратчи” томонидан мажбуриятлар бузилган бўлса, “Пудратчи” “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1% (фоизи) миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 20% (фоизи)дан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш “Пудратчи”ни ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

13.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, белгиланган нормалар ва қоидалар, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда “Буюртмачи” ваколат доирасидан келиб чиққан

ҳолда ваколатли идора ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек “Пудратчи”дан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунларда белгиланган миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга. “Буюртмачи” томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун “Пудратчи” “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 20% (фоизи) миқдорида жарима тўлайди.

13.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги, ёки лозим даражада бажарилмаганлиги мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

“Буюртмачи” “Пудратчи”нинг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида “Буюртмачи”га қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, “Буюртмачи” ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

13.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

14.1. Ушбу пудрат шартномаси амал қилиш давомида юзага келадиган низолар томонлар тарафидан ўзаро музокара йўли билан ҳал этилади.

Низолар музокара натижасида келишувга эришилмаган тақдирда даъво қилувчи томон юзага келган низо юзасидан тегишли иқтисодий судига ўрнатилган тартибда даъво аризаси билан мурожаат қилади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. “Пудратчи” таъмирлаш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини “Буюртмачи”нинг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи “Пудратчи”лардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда (қўшимча келишув) расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. “Буюртмачи” билан “Пудратчи” ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар, ўзгартиришлар шаклида (қўшимча келишув) ёзма равишда тасдиқлаши керак.

15.5. Агар “Пудратчи” шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин таъмирлаш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда “Буюртмачи” “Пудратчи” майдонни озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.6. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

15.7. Мазкур шартнома томонлар тарафидан имзоланиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 31.12.2022 йилга қадар амал қилади.

Шартнома кучга кирган кундан бошлаб томонлар ўз вазифаларини бажаришга киришади, шунингдек мазкур шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади.

15.8. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳолатлар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРТМАЧИ

Тошкент кимё-технология институти

100011 Toshkent shahri, Navoiy ko'chasi, 32-uy
O'z.Res. Moliya vazirligi G'aznachiligi
h/r: 23402000300100001010 STIR: 201122919
Markaziy bank ХККМ Toshkent shahar ВВ
TKTI shg'hv: 400910860262777094100079001
MFO: 00014 STIR: 201053370 OKONX: 92110



Ректор

Б.Усмонов

«ПУДРАТЧИ»

ООО «ILXOM OMAD SARI»

Тошкент шаҳри, Гёте кўчаси, 54/60А
ОПЕРУ АО «Равнақ Банк»
P/C:2020 8000 2008 3803 4001
МФО:00980
ИНН:305 271 561

Директор

Р.Казаков



Босилди: *А.Б. Раҳмонов*



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida

GUVOHNOMA

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"ILXOM OMAD SARI" Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"ILXOM OMAD SARI" MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

02.02.2018

572448

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

305271561

Tashkiliy-huquqiy
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, GYOTE KO'CHASI, 54-UY, 60A-
XONADON

Guvohnoma:

Toshkent shahri, Mirzo Ulug'bek tumani, YAGONA tomonidan
DARCHA MARKAZI berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):



